

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУРАЗАКОВА ДИЛБАР СОДИКОВНА

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ АЁЛЛАРДА
СУБКЛИНИК ГИПОТИРЕОЗ, ДАВОЛАШНИНГ КАРДИОВАСКУЛЯР
ХАВФ ОМИЛЛАРИГА ТАЪСИРИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдуразакова Дилбар Содиковна

Андижон вилоятида яшовчи аёлларда субклиник гипотиреоз,
даволашнинг кардиоваскуляр хавф омилларига таъсири..... 3

Абдуразакова Дилбар Содиковна

Субклинический гипотиреоз у женщин Андижанской области:
влияние лечения на кардиоваскулярные риск факторы..... 21

Abdurazakova Dilbar Sodikovna

Subclinic hypothyroidism in women of Andijan region, influence of
treatment on cardiovascular risk factors..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 40

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУРАЗАКОВА ДИЛБАР СОДИКОВНА

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА ЯШОВЧИ АЁЛЛАРДА
СУБКЛИНИК ГИПОТИРЕОЗ, ДАВОЛАШНИНГ КАРДИОВАСКУЛЯР
ХАВФ ОМИЛЛАРИГА ТАЪСИРИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/Tib541 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилов Сайдиганиходжа Ибрагимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шагазатова Барно Хабибуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алиханова Нодира Миршавкатовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тиббиёт ходимларини касбий малакасини ривожлантириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Нажмутдинова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда гипотиреоз эндокрин патологиянинг энг кўп тарқалган шакли ҳисобланади, айниқса, охириги йилларда субклиник гипотиреоз (СГ)нинг ортиб бориш ҳолати қайд этилмоқда. Умумий популяцияда ушбу касалликнинг тарқалганлиги жинс ва ёшга боғлиқ ҳолда 10% дан 20% гача ўзгариб, эркакларга нисбатан аёллар кўпроқ азият чекади. Бир йил давомида СГ 5-10% ҳолда манифестли гипотиреоз (МГ)га ўтади. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...дунёда эндокрин бузилишлар орасида қалқонсимон без касалликлари тарқалиши бўйича қандли диабетдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди...»¹. Ушбу ҳолатни олдини олиш, касалликни тўғри ташхислаш ва асоратларни бартараф этиш замонавий эндокринологиянинг асосий муаммолардан биридир.

Жаҳонда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар СГни организмнинг қатор ички аъзо ва тизимлар фаолиятига салбий таъсири, ҳаёт сифатининг пасайиши ва қариш жараёнининг тезлашувига олиб келиши, ушбу муаммонинг долзарб тиббий - ижтимоий аҳамиятга эгаллигини тасдиқлайди. Тиреоид етишмовчилик аёллар орасида кенг тарқалганлиги, энг аввало дунёда ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабабчиси бўлиб қолаётган юрак-қон томир тизими касалликларини ривожлантириши, танланган йўналишни долзарблигини аниқлайди ва тиббий хизмат сифатини юқори даражага кўтарилиши, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш ва ҳаёт сифатининг ижобий ўзгаришида алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида турли даражадаги сурункали касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»² каби вазифалари белгиланган. Шу муносабат билан республика аҳолиси учун ижтимоий ва тиббий хизмат сифатини ошириш, шунингдек, давлат муҳофазасига муҳтож аҳоли ўртасида касалликларнинг ривожланишига қарши кураш бўйича профилактика чораларини такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасига аҳолига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-

¹ World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm>; 2014

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 майдаги ЎРҚ-97-сон «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «2019–2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси даражасини ошириш тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда организмда турли патологик жараёнларнинг кўзғалиши ва сақланиб туришида қалқонсимон без дисфункциясининг роли фаол ўрганилмоқда. Кўпинча субклиник гипотиреознинг юрак-қон томир хавфига қўшган улушини баҳолаш илмий тадқиқотларнинг предмети бўлиб ҳисобланади. Қатор йирик тадқиқотларда кўрсатилишича, юрак-қон томир тизими касалликлари хавфи эҳтимоли СГ билан оғриган катта ёш гуруҳларидаги шахсларда ортиб боради (Дыгун О.Д., 2019; Bekkering G., 2019; Cappola A., 2019; Chang Y.-C., 2019). Субклиник ёки манифестли гипотиреоз кўринишида намоён бўлувчи қалқонсимон без дисфункцияси липидлар метаболизмига салбий таъсир кўрсатади, гиперхолестеринемияга олиб келиб, бу юрак-қон тизими касалликлари ривожланиш хавфини прогрессив оширади ва ўлимни ошириши мумкин. Турли этник гуруҳлардаги беморларда қалқонсимон без дисфункцияси тарқалганлигини аниқлашга йўналтирилган ретроспектив когорт тадқиқотда аниқланишича, гиперлипидемия ташхисланган 49,5% беморлардан 5,2% да ТТГ юқори бўлган. Хусусан, ТТГ даражаси беморларнинг 3,5% да – 5 дан 10 мМЕ/л гача, 1,7% да – >10 мМЕ/л кўрсаткичда бўлиб, бу ҳатто СГ ҳам гиперлипидемиянинг иккиламчи сабаби бўлиши мумкинлигини тахмин қилиш имконини беради (Duntas L., 2018; Wartofsky L., 2013; Willard D., 2014).

Истиқболли тадқиқотларда юрак-қон томир тизими касалликлари хавф маркерларидаги сезиларли ўзгаришлар $ТТГ \geq 7,0$ мМЕ/л даражасида аниқланган (Biondi B., 2019; Decandia F., 2018), бироқ бошқа тадқиқотлардан олинган маълумотларга асосан ТТГ даражасининг $\geq 5,25$ мМЕ/л бўлиши юрак-қон томир касалликлари асоратлари хавф омили бўлиши мумкин (Некрасова Т.А., 2015). Туғун гипотиреоз миокард шикастланишини оғирлаштириши ва миокардиал ҳужайралар ва юрак дисфункциясига олиб келиши мумкин. Бу юрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг яқин ва узоқ муддатларда кечишини башоратлашга таъсир кўрсатади. Субклиник ва манифестли гипотиреознинг юракнинг систолик ва диастолик функцияси бузилишлари ҳамда эндотелиал дисфункцияга салбий таъсири мавжудлиги тасдиқланган (Zhang X., 2019).

Хозирги кунга қадар ТТГ қуйи ва юқори меъёрий кўрсаткичлари клиник аҳамияти яққол аниқланмаган ва адабиётларда бу борада келтирилган маълумотлар ҳам бир-бирига зид. Бундан ташқари ханузга қадар кардиал хавф билан ассоциирланган ТТГ кўрсаткичининг диапазони кўплаб баҳсларга сабаб бўлмоқда. Субклиник гипотиреоз даволанмаганда кўпинча касаллик зўраяди ва манифестли гипотиреозга ўтади, бу ўз навбатида кардиал асоратлар ривожланишига туртки бўлади. Шу нуқтаи назардан кардиал хавф билан ассоциирланган ТТГ кўрсаткичи диапазонини аниқлаш, асоратлар хавфининг олдини олиш, касалликнинг ривожланишини башоратлаш ҳамда уни даволашнинг комплекс, индивидуаллаштирилган усуллари ва даволаш-профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Юқорида келтирилган далиллар, шунингдек, республикамизда яшовчи аёлларда ортиқча тана вазнга эга бўлганлар сони ва семизлик учрашини ортиши юрак – қон тизимида салбий ўзгаришларнинг ўсиб бориши, илмий тадқиқот изланишлар зарурияти ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ИТСС 13.1 «Йод етишмаслиги ҳолатларини ва қалқонсимон без касалликларининг клиник шакллари даволаш ва олдини олиш усуллари оптимизация қилиш» илмий лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Андижон вилоятида истиқомат қилувчи аёллар орасида субклиник гипотиреоз тарқалганлиги, даволашнинг кардиоваскуляр хавф омиллари ва ҳаёт сифатига таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Андижон вилоятида истиқомат қилаётган аёллар орасида субклиник гипотиреоз тарқалганлигини таҳлил қилиш;

Андижон вилоятида истиқомат қилаётган аёлларда референс диапазон чегарасида ТТГ даражасига боғлиқ ҳолда тиреоид ҳолат кўрсаткичларини баҳолаш;

субклиник гипотиреоз аниқланган беморлар орасида кардиоваскуляр хавф даражасини асослаш;

ўринбосар терапиянинг кардиоваскуляр хавф омиллари ва субклиник гипотиреозли аёллар ҳаёт сифатига таъсирини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2012-2018 йилларда Андижон вилоятида истиқомат қилувчи 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган 1302 нафар аёл танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар амбулатор карталари, SF–36 ҳаёт сифати сўровномаси, тиреотроп гормон, тиреоид гормонлар, тиреопероксидазага нисбатан антитана миқдори ва липид спектр ўзгаришини аниқлаш учун қон зардобини, шунингдек эндотелиал дисфункцияни ўрганишда олинган натижалар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун сўровнома маълумотлари, умумий клиник, биокимёвий (липид

спектр), радиоиммунологик (тиреотроп гормон, тироксин эркин, трийодтиронин эркин, тиреопероксидазага нисбатан антитана миқдори) инструментал текширув (қалқонсимон без ультратовуш текшируви, елка артерияси ва уйқу артериялар доплер текшируви) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор гипофизнинг тиреотроп гормон даражасига боғлиқ ҳолда аёлларда гормонал, биохимик кўрсаткичлар, эндотелий дисфункцияси ва ҳаёт сифати ўзгариши асосланган;

клиник – гормонал кўрсаткичларнинг кардиоваскуляр хавф омилларининг (СГ ва МГда юрак қон томир касалликлар ривожланиш хавфи юқориликдан дарак берувчи эндотелийга боғлиқ вазодилатация пасайиши липид алмашинувида миқдорий ва сифатли ўзгаришлар) ортиши билан ўзаро боғлиқлиги баҳоланган;

левотироксинли ўринбосар давонинг СГ ва МГ мавжуд аёлларда липид алмашинуви кўрсаткичларига (мақсадли қийматларга эришув), қон томирлар эндотелий фаолиятига (елка артерияси диаметри кўрсаткичи ишончли ўсиши) ижобий таъсири исботланган;

СГ ва МГда левотироксинли ўринбосувчи давонинг ўз вақтида тўғри танлаш ва олиб бориш, аёллар ҳаёт сифатининг жисмоний ва психик компонентларига ижобий таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор Андижон вилоятида истиқомат қилувчи 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган аёллар орасида субклиник гипотиреоз учраши аниқланган;

тадқиқот асосида қалқонсимон без дисфункцияси бўлган аёлларни аниқлаш учун анкета – сўровнома ишлаб чиқилган;

СГ ва МГ мавжуд аёлларда кардиоваскуляр хавф омилларининг аниқлашни амалиётга жорий этиш билан касаллик ва асоратларини олдиндан башоратлаш, қиёсий ташхислаш асосланган;

Ўринбосувчи даво олиб борилганда ТТГ нинг мақсадли кўрсаткичлари СГ мавжуд аёлларда кардиоваскуляр асоратларнинг ривожланиш хавфини бартараф этиш имконини берган;

СГ мавжуд аёлларда ҳаёт сифатининг жисмоний ва психик компонент кўрсаткичлари пасайиши ҳисобга олинган ҳолда, психолог маслаҳати тавсия этилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланиладиган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, тасдиқланган замонавий, бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи клиник-инструментал, лаборатор усуллар ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, сўровнома ва ўтказилган таҳлиллар натижаларининг аниқлиги ва статистик ишлов берилганлиги билан, ҳамда олинган маълумотларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланиши, хулосалар асосланганлиги ва уларнинг ишонччилигини тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Андижон вилоятида истиқомат қилувчи 18

ёшдан 65 ёшгача бўлган аёллар орасида тиреоид патология тарқалганлигини баҳолаш, томирли эндотелий функциясига таъсир кўрсатувчи ТТГ даражасини аниқлаш, клиник-гормонал кўрсаткичларнинг кардиоваскуляр хавф омиллари билан ўзаро боғлиқлигини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти субклиник ва манифестли гипотиреознинг юрак-қон томир хавф омилларини баҳолаш кардиал асоратлар хавфи бўлган гуруҳни аниқлаш ва беморларнинг ушбу тоифасини даволаш тамойилларини мувофиқлаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон вилоятида истиқомат қилувчи 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган аёлларда субклиник гипотиреозни аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Субклиник гипотиреоз ташхислаш ва даволаш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 19 ноябрдаги 8н-р/274-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома субклиник гипотиреозни ўз вақтида аниқлаш чораларини такомиллаштириш, ташхислаш-даволаш тактикасини мувофиқлаштириш, кардиоваскуляр асоратлар ривожланиш хавфи ва манифестли гипотиреознинг учраш сонини камайтириш имконини берган;

Субклиник гипотиреоз билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон вилояти эндокринология диспансери тиреидология бўлими ва Андижон вилояти Андижон туман тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 декабрдаги 8н-з/191-сон маълумотномаси). Олинган натижалар субклиник гипотиреозни эрта ташхислаш ва асоратлар ривожланишининг олдини олиш йўллари оптималлаштириш, реабилитация муддатларини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Субклиник гипотиреоз муаммосига замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқот натижалари, маҳаллий ва хорижий адабиётлар шарҳи батафсил баён этилган. Ушбу бобда субклиник гипотиреоз эпидемиологияси, этиологияси ва кечиши, ҳамда СГни юрак-қон томир касаликлари хавф омили сифатидаги роли, липид алмашув ва эндотелиал дисфункция ҳолати, СГнинг ҳаёт сифатига таъсири, шунингдек, даволашга замонавий қарашлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу муаммонинг илмий ечимига доир муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот усуллари ва материалининг умумий тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти, материал ҳажми, беморлар характеристикаси ҳамда баҳолаш усуллари ёритилган.

Тадқиқотга 1302 нафар аёл жалб этилган. Тадқиқотнинг биринчи босқичида Андижон вилоятида истиқомат қилувчи аёллар орасида субклиник гипотиреоз тарқалганлигини баҳолаш учун 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган аёллар текширувидан ўтказилди. Ҳар бир кўриқдан ўтказилган аёл учун биз томонимиздан ишлаб чиқилган анамнез маълумотлари, шунингдек, клиник-лаборатор ва инструментал маълумотлар қайд этилувчи анкета тўлдирилди. Беморларни тадқиқотга жалб этиш мезонлари қуйидагича: Андижон вилоятида туғилган, шу ерда вояга етган ва айни пайтда ҳам истиқомат қилаётган 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган аёллар. Қуйидагилар тадқиқотдан истисно этиш мезонлари бўлиб ҳисобланди: 18 ёшгача бўлган ёш, қалқонсимон без функциясига таъсир кўрсатувчи препаратлар қабул қилаётган шахслар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар, руҳий касалликлари, ёмон ва яхши сифатли ўсмалари ва бошқа эндокрин касалликлари, жумладан, қандли диабет касаллиги бор аёллар. Ташхис Европа тиреоид ассоциациясининг 2014 йилдаги мезонларига мувофиқ эркин T_4 нинг меъёр таркиби бўлган шароитда ТТГ даражасининг $>4,0$ мМЕ/л дан баландлиги беморларнинг қон зардобидида 3–6 ой оралиғи билан икки мартаба аниқланганда қўйилди. Эркин T_4 меъёр ёки қуйи даражасида ТТГ даражаси 10 мМЕд/л дан юқори бўлган ҳолатларда манифестли гипотиреоз ташхисланди. Тадқиқотнинг иккинчи босқичида СГнинг клиник-гормонал хусусиятлари ўрганилди, шунингдек, эндотелий дисфункциясининг оғирлик даражаси аниқланди. Ушбу босқич доирасида беморларнинг анамнези, шикоятлари, клиник ва гормонал текширув маълумотларини қайд этиш орқали сўровнома ҳам ўтказилди. Тадқиқотнинг учинчи босқичида SF-36 сўровномаси ёрдамида ҳаёт сифати баҳоланди.

Радиоиммунологик усул ёрдамида IMMUNOTECH (Чехия) стандарт жамланмасидан фойдаланиб қон зардобидидаги ТТГ, эркин T_4 ва ТПОга Ат

даражаларини аниқлаш орқали гормонал ҳолат текширилди. Қондаги липид спектрини текшириш ферментатив колориметрик усулда (Human, Германия) амалга оширилди.

Допплерографик тадқиқотлар 7 МГц чизикли датчикли “Sono Scape SSI–5000” (АҚШ–Хитой) ультратовушли тизимида ўтказилди.

Маълумотларга Statistica 6.0 (StatSoft, USA) амалий дастурлар пакети ёрдамида ишлов берилди. Меъёрий тақсимланишда микдорий кўрсаткичлар $M \pm SD$ кўринишида, меъёридан фарқланувчи маълумотларни тақсимлашда 25 ва 75 перцентилда (IQR) медианалар (Me) кўринишида тақдим этилди. Имкониятлар нисбати (ИН) ва 95% ли ишонч интервали логистик регрессия кўлланилган ҳолда ҳисобланди. Кўрсаткичлардаги фарқлар ишончилиги χ^2 нопараметрик мезон (Пирсон мезони) ёрдамида баҳоланди. Кўрсаткичларнинг ўзаро алоқаси таҳлили Спирмен методи бўйича нопараметрик корреляцион таҳлилдан фойдаланиб бажарилди. Фарқлар ёки ўзгаришлар ($p < 0,05$) аҳамиятлар даражасида ишончли ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Шахсий тадқиқот натижалари**» деб номланган учинчи боби учта кичик қисмлардан иборат бўлиб, унинг биринчиси «**Андижон вилоятида 18–65 ёшдаги аёлларда субклиник гипотиреознинг тарқалганлиги**» деб номланган. 2012–2013 йиллар давомида 315 нафар, 2014–2015 йилларда 319 нафар аёл кўрикдан ўтказилди, 2016 йилда 546 нафар аёл иштирок этди, 2017–2018 йилларда 122 нафар аёл текширилди. Қалқонсимон без касалликлари 2012–2013 йилларда 260 нафар (82,5%) аёлда аниқланди. Энг кўп тарқалган нозологиялар I–II даражали диффуз эндемик бўқоқ бўлди – 146 нафар (56,2%) бўқоқнинг тугунли шакли – 42 нафар (16,2%), АИТ – 9 нафар (3,5%) беморда аниқланди. Грейвс касаллиги (ГК) 5 нафар (1,9%) аёлда кузатилди. Бирламчи гипотиреоз (ТТГ даражаси $>4,05$ mlU/L) 58 нафар (22,3%) аёлда қайд этилди. Кўрикдан ўтказилганларнинг умумий микдоридан субклиник (ТТГ даражасининг аҳамияти 4,05–10,0 mlU/L, эркин T_4 меъёр чегарасида) ва манифестли (ТТГ даражаси 10 mlU/L дан баланд, эркин T_4 меъёрдан паст) гипотиреозлар улуши мос ҳолда 15,0% (39 нафар) ҳамда 7,3% (19 нафар)ни ташкил этди.

2014–2015 йилларда 319 нафар аёл кўрикдан ўтказилди ва уларнинг 258 нафар (80,9%)ида тиреоид патология аниқланди. Ушбу аёлларнинг 121 нафар (46,9%)ида I–II даражали диффуз эндемик бўқоқ қайд этилди. Тугунли бўқоқ 55 нафар (21,3%), АИТ – 11 нафар (4,3%), КГ – 5 нафар (1,9%) аёлда ташхисланди. Бирламчи гипотиреоз кўрикдан ўтказилганларнинг 65 нафар (25,2%)ида кузатилди. Кўрикдан ўтказилганларнинг умумий когортида субклиник ва манифестли гипотиреоз улуши мос ҳолда 17,1% (44 нафар) ҳамда 8,1% (21 нафар)ни ташкил этди. Текширишнинг икки босқичидан олинган маълумотлар таҳлили диффуз эндемик бўқоқ сонининг ишончли пасайганлигини кўрсатди (56,2% дан 46,2% гача; $\chi^2=4,08$; $p=0,04$). Тугунли бўқоқ (16,2% дан 21,3% гача; $p=0,16$), АИТ (3,5% дан 4,3% гача; $p=0,81$), ГК (1,9% дан 2,3% гача; $p=0,99$) учраш сонининг ортиб бориш ҳолати қайд этилди. Шунингдек, субклиник (15,0% дан 17,1% гача; $p=0,61$) ҳамда манифестли

(7,3% дан 8,1% гача; $p=0,85$) гипотиреоз учраш сонининг ошиши кузатилди.


Шундай қилиб, 2012–2016 йиллар давомида 634 нафар аёл кўриқдан ўтказилди. Тиреоид патология кўриқдан ўтказилган аёлларнинг 518 нафар (81,7%)ида аниқланди, жумладан, уларнинг 267 нафар (51,5%)ида – диффуз эндемик бўқоқ, 97 нафар (18,7%)ида – тугунли бўқоқ, 20 нафар (3,9%)ида – АИТ, 11 нафар (2,1%)ида – ГК, 83 нафар (16,0%)ида субклиник ҳамда 40 нафар (7,7%)ида манифестли гипотиреоз ташхисланди.

2016 йилда Андижон вилоятида истиқомат қилувчи, 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган 546 нафар аёл текширувдан ўтказилди. Текширувдан олинган натижаларга кўра диффуз эндемик бўқоқнинг учраш сони 40,1% (191 нафар)ни ташкил этди. Тугунли бўқоқ 127 нафар (26,7%), АИТ – 32 нафар (6,7%), ГК – 12 нафар (2,5%) кўриқдан ўтказилган аёлда ташхисланди. Кўриқдан ўтказилганларнинг умумий миқдоридан субклиник ва манифестли гипотиреозлар мос ҳолда 83 нафар (16,0%) ҳамда 40 нафар (7,7%)ни ташкил этди. 2017–2018 йилларда 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган 122 нафар аёл кўриқдан ўтказилди. Олинган маълумотларга кўра диффуз эндемик бўқоқнинг учраш сони 32,0% (33 нафар)ни ташкил этди. Тугунли бўқоқ – 29 нафар (28,2%), АИТ – 8 нафар (7,8%), ГК – 4 нафар (3,9%) аёлда ташхисланди. Ушбу давр мобайнида субклиник ва манифестли гипотиреозлар улуши мос ҳолда 16,5% (17 нафар) ҳамда 11,7% (12 нафар)ни ташкил этди.

Ушбу бобнинг иккинчи кичик қисмида «**Ёшга боғлиқ ҳолда субклиник ва манифестли гипотиреознинг учраш сони**» деб номланган. Барча аёллар 4 та ёш гуруҳига ажратилди: 1-гуруҳни – 30 ёшгача; 2-гуруҳни – 30 дан 40 ёшгача; 3-гуруҳни – 40 дан 50 ёшгача ҳамда 4-гуруҳни ≥ 50 ёш аёллар ташкил этди.

30 ёшгача бўлган ёш аёлларда СГ 7,1% ҳолатда кузатилди, ёш ошиб бориши билан унинг учраш сони ҳам ортиб борди ва ≥ 50 ёшдагилар гуруҳида 26,1% га етди. Айтиш жоизки, 40 ёшдан катта аёллар гуруҳида 40 ёшдан кичик аёллар гуруҳига нисбатан СГ ишончли кўп қайд этилди (26,0% қарши 10,5%; ИН 2,98; 95% ИИ 2,12–4,20; $p<0,0001$). МГ ҳам 40 ёшдан катта аёллар гуруҳида ишончли кўп учради (12,3% қарши 7,2%; ИН 1,81; 95% ИИ 1,20–2,72; $p=0,006$).

Олиб борилган текширишлар шуни кўрсатдики, бутун кузатув даврида СГнинг юқори сони ≥ 50 ёш тоифасида (2012–2013 йилларда 28,9%; 2014–2015 йилларда 32,5%; 2016 йилда 19,2% ҳамда 2017–2018 йилларда 25,0%; $\chi^2=0,72$; $p=1,0$), қуйи сони эса 30 ёшгача бўлган аёллар орасида (2012–2013 йилларда 5,8%; 2014–2015 йилларда 7,1%; 2016 йилда 7,2% ва 2017–2018 йилларда 10,3%; $\chi^2=2,31$; $p=0,70$) қайд этилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Текширишнинг турли даврларида СГнинг учраш сони.

Бироқ ёш кесимида СГнинг учраш сонидида ишончли фарқлар кузатилмади. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики ёш аёлларда СГ ҳолатларининг ортиб бориши мумкинлиги тенденцияси мавжуд. МГнинг учрашида ҳам шунга ўхшаш вазият кузатилганлиди ≥ 50 ёш тоифасида МГ юқори кўрсаткичда қайд этилди (2012–2013 йилларда 13,3%; 2014–2015 йилларда 15,0%). 2016 йилда ўтказилган текширув натижаларига кўра МГ, кўп холда, 40 ёшдан 50 ёшгача бўлган тоифада учради (18,8%), бу пайтда кўриқдан ўтказилган ≥ 50 ёш аёллар когортида МГ ҳолатлари қайд этилмади. 2017–2018 йилларда МГ, асосан, 30–40 ёшдаги аёлларда кузатилди (14,3%).

«ТТГ даражасига боғлиқ холда аёлларнинг қиёсий тавсифи» деб номланган учинчи қисмида Андижон вилоятида истиқомат қилувчи аёллар орасида ТТГнинг қуйи ва юқори меъёр даражалари, шунингдек, эркин тироксин (эркин T_4) ва тиреопероксидазга антитаналар (ТПОга Ат) тарқалганлиги ўрганилган. Кўриқдан ўтказилган 412 нафар аёлдан 94 нафар (22,8%)ида ТТГ даражаси 0,4–2,5 мМЕ/л чегарасида бўлди ва гормоннинг «қуйи меъёр» кўрсаткичларига мос келди (1-гуруҳ). «Юқори меъёр» (ТТГ 2,5 дан 4,0 мМЕ/л гача) кўрсаткичи 52 та (12,6%) ҳолатда аниқланди (2-гуруҳ). Ўрганилган популяцияда ТТГнинг субклиник гипотиреозга мувофиқ келувчи $4,0 < 10$ мЕд/л кўрсаткичлари (эркин T_4 нинг меъёр даражасида) кўриқдан ўтказилган аёлларнинг 165 нафар (40,0%)ида аниқланди (3-гуруҳ). ТТГнинг субклиник гипотиреозга мувофиқ келувчи $\geq 10,0$ мМЕ/л кўрсаткичи (эркин T_4 нинг меъёр даражасида) 48 та (11,7%) ҳолатда учради (4-гуруҳ). ТТГнинг манифестли гипотиреозга мувофиқ келувчи $\geq 10,0$ мМЕ/л кўрсаткичи (эркин T_4 нинг қуйи даражасида) 53 нафар (12,9%) аёлда қайд этилди (5-гуруҳ). Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, асосан, 30 ёшгача (45,7%), шунингдек, 30 ёшдан 40 ёшгача (27,7%) ва 40 ёшдан 50 ёшгача (24,5%) бўлган аёллар гуруҳида ТТГнинг қуйи меъёр аҳамиятлари кузатилади ($\chi^2=48,2$; $p=0,0001$). ТТГнинг юқори меъёр кўрсаткичлари бўлган гуруҳда ҳам ўхшаш манзара қайд этилди: 30 ёшгача 44,2%, 30 ёшдан 40 ёшгача 34,6% ҳамда 40

ёшдан 50 ёшгача 17,3% ($\chi^2=26,9$; $p=0,0001$).

Субклиник гипотиреозли гуруҳ (ТТГ 4–10 мЕд/л, эркин Т₄ меъёрда) ҳақида сўз юритилганда айтиш мумкинки, ушбу гуруҳдаги аёлларнинг ярмидан кўпроғи (54,5%, $\chi^2=14,1$; $p=0,004$) 40 ёшдан катта ёш тоифасида бўлди. Субклиник гипотиреозли гуруҳда (ТТГ ≥ 10 мЕд/л, эркин Т₄ меъёрда) барча ёш тоифаларидаги аёллар тенг миқдорда учради ($\chi^2=0,22$; $p=1,0$). Манифест гипотиреозли гуруҳ (эркин Т₄ нинг куйи даражасида ТТГ $\geq 10,0$ мМЕ/л)нинг жуда катта қисмини ёши 40 ёшдан юқори бўлган аёллар ташкил этди (77,4%, $\chi^2=22,0$; $p=0,0001$).

Таҳлилларни амалга ошириш жараёнида аниқланишича ТТГ даражаси 0,4–2,5 мЕд/л (1-гуруҳ) ва 2,5–4 мЕд/л (2-гуруҳ) бўлган гуруҳларда шикоятлар номахсус бўлди (бош оғриғи – 4,2%, эшитиш қобилятининг сусайиши – 3,0%, уйқусизлик – 3,6%, тирноқларнинг синувчанлиги – 5,5%) ва аҳамиятсиз миқдордаги ҳолатларда учради. Шундан келиб чиққан ҳолда ТТГ даражаси ≥ 4 мЕд/л бўлган учта гуруҳ маълумотлари таҳлил қилинди.

Таҳлиллар жараёнида ТТГ даражаси ва ёш ($r=0,32$, $p<0,0001$), артериал гипертензия (АГ) давомийлиги ($r=0,52$; $p<0,0001$), систолик артериал босим (САБ) ($r=0,43$, $p<0,0001$) ва диастолик артериал босим (ДАБ)нинг ($r=0,25$, $p<0,0001$) ўртасида ўртacha ижобий корреляция, шунингдек, ёш ҳамда эркин Т₄ даражаси ($r=-0,13$, $p=0,01$) ўртасида заиф салбий корреляцион алоқа мавжудлиги аниқланди. АГ давомийлиги ва САБ даражаси ТТГ даражаси ≥ 10 мЕд/л бўлган гуруҳларда ишончли юқори бўлди.

ТТГнинг юқори даражаси ҳамда эркин Т₄ нинг меъёр даражаси бўлган шахсларнинг (213 нафар аёл) 48 нафар (22,5%)ида ТТГ кўрсаткичи ≥ 10 мЕд/л бўлди.

ТТГ даражалари ва айрим клиник кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлил қилинганда САБ ($r=0,28$, $p<0,0001$), умумий холестерин (УХС) ($r=0,26$, $p=0,001$) ва паст зичликдаги липопротеидлар (ПЗЛП) ($r=0,27$, $p=0,001$) ўртасида заиф ижобий корреляция мавжудлиги аниқланди.

Шундан кейин кўриқдан ўтказилган аёллар орасида ТТГ даражасига боғлиқ ҳолда кардиоваскуляр хавф омилларининг учраш сонини ўрганишга киришилди.

Қалқонсимон без касалликларига нисбатан ирсий мойиллик (20,8% ва 35,8%; $\chi^2=14,4$; $p=0,003$) ҳамда АГ (18,8% ва 30,2%; $\chi^2=13,1$; $p=0,006$) ТТГ даражаси ≥ 10 мЕд/л бўлган шахслар орасида ишончли кўп қайд этилди (4- ва 5-гуруҳлар) (1-жадвалга қаранг).

ЮИК ва ҚДга ирсий мойиллик ҳақида сўз юритилганда айтиш жоизки, бу ишончсиз, бироқ улар, кўпинча, 4-гуруҳ (мос ҳолда 12,5% ва 14,6%) ҳамда 5-гуруҳда (мос ҳолда 15,1% ва 11,3%) ҳам кузатилади.

Эрта менопауза ТТГ даражаси ≥ 10 мЕд/л бўлган гуруҳда кўпроқ тарқалган (5-гуруҳ, 15,1%), буни, эҳтимол, назорат гуруҳи (75,3%), 3-гуруҳ (45,5%) ва 4-гуруҳ (47,9%) таркибида, асосан, 40 ёшгача бўлган аёллар бўлганлиги билан тушунтириш мумкин. 5-гуруҳда 40 ёшгача бўлган аёллар 22,6% ни ташкил этди.

**ТТГ даражасига боғлиқ ҳолда кўриқдан ўтказилганлар
характеристикаси**

Кўрсаткич	Назорат		3-гуруҳ		4-гуруҳ		5-гуруҳ		χ^2 ; p	
	ТТГ даражаси									
	<4,0 МЕд/л, n=146		4,0<10 МЕд/л, n=165		≥10 МЕд/л, n=48		≥10 МЕд/л, n=53			
	свТ ₄ ↔						свТ ₄ ↓			
	N	%	n	%	N	%	N	%		
Ирсият куйдагилар бўйича										
ҚБ касалликлари	21	14,4	24	14,5	10	20,8	19	35,8	14,4; 0,003	
АГ	17	11,6	19	11,5	9	18,8	16	30,2	13,1; 0,006	
ЮИК	9	6,2	12	7,3	6	12,5	8	15,1	5,30; 0,20	
ҚД	6	4,1	11	6,7	7	14,6	6	11,3	7,34; 0,08	
45 ёшгача менопауза	9	6,2	10	6,1	7	14,6	8	15,1	5,42; 0,07	
Камқонлик	50	34,2	57	34,5	28	58,3	39	73,6	27,8; 0,0001	
АГ	4	2,7	12	7,3	8	16,7	18	34,0	23,6; 0,0001	
Қандли диабет			12	7,3	4	8,3	8	15,1	7,05; 0,09	
ТВИ >25 кг/м ²	59	40,4	78	47,3	23	47,9	28	52,8	0,50; 0,78	
БА >80 см	41	28,1	46	27,9	18	37,5	24	45,3	7,28; 0,08	
САБ ≥130 мм рт. ст.	3	2,1	37	22,4	12	25,0	20	37,7	4,92; 0,09	
ДАБ ≥80 мм рт. ст.	5	3,4	29	17,6	8	16,7	13	24,5	1,45; 0,49	
антиТПО >12 МЕ/мл	2	1,4	28	17,0	13	27,1	21	39,6	12,0; 0,003	
Гиподинамия	26	17,8	30	18,2	15	31,3	17	32,1	6,4; 0,04	
УХС ≥4,5 ммоль/л	2	1,4	23	13,9	14	29,2	22	41,5	19,3; 0,0001	
ТГ ≥ 1,7 ммоль/л	1	0,7	16	9,7	8	16,7	10	18,9	3,82; 0,15	
ЮЗЛП ≤1,03 ммоль/л	1	0,7	21	12,7	6	12,5	8	15,1	0,22; 0,90	
ПЗЛП ≥2,5 ммоль/л	4	2,7	14	8,5	7	14,6	19	35,8	23,5; 0,0001	

ТТГ даражаси ≥10 МЕд/л бўлган аёлларнинг (4-гуруҳ – 58,3%; 5-гуруҳ – 73,6%; $\chi^2=27,8$; p=0,001) аҳамиятли қисмида камқонлик аниқланди. Шунингдек, ушбу гуруҳлардаги аёлларнинг кўп нафарида артериал гипертензия (АГ) кузатилди (4-гуруҳ – 16,7%; 5-гуруҳ – 34,0%; $\chi^2=23,6$; p=0,001). Қанди диабет ишончсиз, бироқ, асосан, 5-гуруҳ аёлларида қайд этилди (15,1%).

Ортиқча тана вазни (ТВВ>25 кг/м²) ва бел айланаси (БА)>80 см мос ҳолда 5-гуруҳдаги кўриқдан ўтказилган 52,8% ҳамда 45,3% аёлларда аҳамиятга эга бўлди. САБ ≥130 мм сим. уст. (25,0% ва 37,7%) ва ДАБ ≥80 мм сим. уст. (16,7% ва 24,5%) даражалари кўпинча ТТГ даражаси ≥10 МЕд/л бўлган аёлларда аниқланди (мос ҳолда 4- ва 5-гуруҳ кўрсаткичлари).

Маълумки, СГли беморларда ТПОга Атнинг мавжудлиги келгусида турғун

гипотиреоз ривожланишининг ишончли предиктори ҳисобланади. ТПОга Ат даражасининг 12 МЕ/мл дан баланд бўлиши диагностик аҳамиятли саналди. Таҳлил натижаларига кўра ТПОга Ат нинг 12 МЕ/мл даражаси 4-гуруҳдаги аёлларнинг чорак қисмидан кўпроғида (27,1%) ва 5-гуруҳдаги аёлларнинг учдан бир қисмида (39,6%) қайд этилди ($\chi^2=12,0$; $p=0,003$).

ТТГ даражаси ≥ 10 мЕд/л бўлган аёллар кўпинча камҳаракат ҳаёт тарзига амал қилишган (4-гуруҳ – 31,3% ва 5-гуруҳ – 32,1%; $\chi^2=6,4$; $p=0,04$).

УХС $\geq 4,5$ ммоль/л (4-гуруҳ – 29,2%; 5-гуруҳ – 41,5%; $\chi^2=19,3$; $p=0,0001$) ҳамда ЛПКЗ $\geq 2,5$ ммоль/л (4-гуруҳ – 14,6%; 5-гуруҳ – 35,8%; $\chi^2=23,5$; $p=0,0001$) кўринишидаги дислипидемия кўпроқ ТТГ даражаси ≥ 10 мЕд/л бўлган шахслар учун хос бўлди. Липидограмманинг бошқа кўрсаткичлари бўйича бирон-бир аҳамиятли фарқлар аниқланмади.

Диссертациянинг «**Андижон вилоятида истиқомат қилувчи аёлларнинг ТТГ даражасига боғлиқ ҳолда ҳаёт сифати**» деб номланган тўртинчи бобида камайтирилган ТТГ даражасининг ҳаёт сифатига таъсири ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотда 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган 1302 нафар аёл иштирок этди. Кўриқдан ўтказилганлар ТТГ даражаси бўйича 4 гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳга ТТГ даражаси $< 4,0$ мЕд/л бўлган 21 нафар аёл киритилди (назорат гуруҳи). 2-гуруҳни (субклиник гипотиреоз) ТТГ даражаси $4,0 < 10$ мЕд/л бўлган (эркин Т₄ нинг меъёрий даражасида) 32 нафар аёл ташкил этди. 3-гуруҳ таркибига (СГ1) ТТГ даражаси $\geq 10,0$ мМЕ/л бўлган (эркин Т₄ нинг меъёрий даражасида) 26 нафар аёл киритилди. 4-гуруҳ ТТГ даражаси $\geq 10,0$ мМЕ/л бўлган (эркин Т₄ нинг қуйи даражасида) 29 нафар аёлдан иборат бўлди.

Саломатликнинг жисмоний компоненти таҳлилида МГли беморлар гуруҳида ТТГ даражасининг ошиши турли жисмоний юкламаларни бажариш имконияти (назорат, СГ ва СГ1 гуруҳлари кўрсаткичлари билан таққосланганда жисмоний фаолият (ЖФ)нинг мос ҳолда 29,3%, 14,2% ва 7,1% га камайиши), кундалик ролли фаолият (РФнинг мос ҳолда 32,5%, 16,4% ва 13,3% га камайиши), кундалик фаолият билан шуғулланиш имкониятлари (Б – мос ҳолда 32,7%, 14,1% ва 0,6%)га тўсқинлик қилиши аниқланди. Буларнинг барчаси беморлар томонидан ўз саломатликларини баҳолашдаги субъектив баҳонинг пасайишида акс этди (саломатликнинг умумий ҳолати (СУХ) – мос ҳолда 36,2%, 15,9% ва 0,2%). МГли беморларда саломатликнинг жисмоний компоненти мос ҳолда 32,7%, 15,1% ва 5,6% га камайди. Саломатликнинг психик компоненти таркиби таҳлил қилинганда МГли беморларда ХСнинг ўртача паст кўрсаткичлари кузатилди (назорат, СГ ва СГ1 гуруҳлари кўрсаткичлари билан таққосланганда мос ҳолда 29,3%, 15,2% ва 10,7% га камайди), бу ижтимоий алоқаларнинг чегараланиши, ҳиссий ва жисмоний ҳолатнинг ёмонлашуви туфайли мулоқот даражасининг пасайиши, ҳиссий ҳолатнинг ёмонлашуви билан боғлиқ ҳолда кундалик фаолиятнинг чекланишидан далолат беради. ТТГ даражаси, ХС параметрлари ва гипотиреоз симптомлари ўртасидаги корреляцион таҳлил натижалари гормоннинг ХСнинг жисмоний фаолият ($r=-0,32$; $p=0,02$), ролли фаолият ($r=-0,31$; $p=0,04$),

хаётий фаоллик ($r=-0,33$; $p=0,04$), ижтимоий фаолият ($r=-0,28$; $p=0,04$), саломатликнинг жисмоний компоненти ($r=-0,54$; $p=0,002$), шунингдек, ёш ($r=0,28$; $p=0,02$), юқори толиқиш ($r=0,32$; $p=0,03$), хотира ва диққатнинг сусайиши ($r=0,31$; $p=0,04$) каби кўрсаткичлари билан ўртача салбий алоқада эканлигидан дарак беради. Жисмоний фаолият ва юқори толиқиш ($r=-0,48$; $p=0,01$) ҳамда мадорсизлик ($r=-0,38$; $p=0,04$) кўрсаткичлари ўртасида ҳам ўртача салбий корреляция мавжудлиги қайд этилди.

Диссертациянинг «**Субклиник ва манифестли гипотиреоз ўринбосар терапиясининг кардиоваскуляр хавф омилларига таъсирини баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида кардиоваскуляр хавф омиллари нуктаи назаридан субклиник ва манифестли гипотиреознинг ўринбосар терапияси самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқотда 38 ёшдан 50 ёшгача бўлган 76 нафар аёл қатнашди. Улардан 11 нафари назорат гуруҳини ташкил этди. 2–3 ойдан кейин ТТГ даражаси қайта аниқланганда 65 нафар аёлдан 11 нафар (16,9%)ида ТТГ даражасининг ўз-ўзидан тикланиши қайд этилди. Биринчи ташрифда ТТГ даражаси 6,4 мЕ/л, қайта ташрифда – $3,12 \pm 0,46$ мЕ/л, эркин T_4 – $14,1 \pm 3,2$ пмоль/л, ТПОга Ат – $8,1 \pm 1,1$ МЕ/мл ни ташкил этди. Шундай қилиб, кейинги тадқиқотларда ТТГнинг ошган даражаси 2–3 ой интервал билан икки марта тасдиқланган 54 нафар аёл иштирок этди ва улар икки гуруҳга ажратилди. Левотироксиннинг бошланғич дозаси ТТГнинг тавсия этилган мақсадли кўрсаткичгача (0,4–2,5 мМЕ/л) препарат дозасининг навбатдаги титрацияси (25 мкг қадам) билан гормоннинг бошланғич даражасига боғлиқ ҳолда 25–50 мкг ни ташкил этди (Фадеев В.В., 2012).

6 ойдан кейин левотироксинли терапия фониди ТТГ даражаси ҳамда ТПОга Ат нинг аҳамиятли камайиши ва эркин T_4 даражасининг ошиши кузатилди. Қайд этиш жоизки, СГли 9 нафар (36,0%) аёлда ТТГ даражаси қайта текширилганда унинг ТТГ юқори меъёр даражаси диапазони (2,5–4 мЕд/л) мос келиши аниқланди. Қолган беморларда ТТГ концентрациясининг сезиларли камайиши кузатилди. Бир йилдан кейин ўринбосар терапия фониди ТТГ даражаси 18 нафар (72,0%) аёлда қуйи меъёр (0,4–2,5 мЕд/л) ҳамда 7 нафар (28,0%) аёлда юқори меъёр кўрсаткичларга мос келди.

МГли беморлар гуруҳида 6 ойдан кейин аналогик ўзгаришлар кузатилди, фақат шу фарқ биланки, барча аёлларда ТТГ даражаси сезиларли камайди, бироқ юқори меъёр даража диапазони етмади. Аёлларнинг учдан бир қисмидан кўпроғида (34,5%) эркин T_4 даражаси меъёрлашди. Бу, эҳтимол, айрим беморларнинг препаратни қабул қилиш бўйича берилган тавсияларга амал қилмаганликлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунинг учун левотироксин дозаси гормоннинг бошланғич даражасига боғлиқ ҳолда 75–100 мкг гача оширилди. Бир йилдан кейин левотироксинли терапия фониди ТТГ даражаси 7 нафар (24,1%) аёлда қуйи меъёр аҳамиятларга (0,4–2,5 мЕд/л), 22 нафар (75,9%) аёлда – юқори меъёр аҳамиятларга мос келди. Шу билан бирга текширилган барча беморларда эркин T_4 даражаси норматив кўрсаткичлар чегарасида бўлди.

Липид алмашинувининг бузилиши нафақат миқдорий, балки сифат жиҳатидан ҳам аҳамият касб этди. Ҳар иккала гуруҳ аёлларида липид спектрнинг асосий параметрлари ўзгаришларининг турли вариантлари аниқланди. Бундан ташқари СГли беморлар гуруҳида УХС \geq 4,5 ммоль/л (44,0%), ТГ \geq 1,7 ммоль/л (32,0%), ЛПЮЗ \leq 1,03 ммоль/л (28,0%), ЛПКЗ \geq 2,5 ммоль/л (48,0%) кўринишидаги дислипидемия аниқланди. 36,0% ҳолатда \geq 3,0 атерогенлик коэффиенти аҳамияти қайд этилди. МГда УХС \geq 4,5 ммоль/л (72,4%– $\chi^2=4,52$; $p=0,03$), ЛПКЗ \geq 2,5 ммоль/л (79,3%– $\chi^2=4,48$; $p=0,03$) ҳолатлари ишончли кўп кузатилди. ТГ \geq 1,7 ммоль/л, ЛПЮЗ \leq 1,03 ммоль/л кўринишидаги дислипидемия мос ҳолда 20,7% ва 24,1% ҳолатда аниқланди. 48,3% ҳолатда \geq 3,0 атерогенлик коэффиенти аҳамияти қайд этилди.

Шундан кейин намунада елка артериясининг реактив гиперемияси, шунингдек, СГ ва МГли аёлларда умумий уйқу артерияси қон оқими тезлик кўрсаткичлари билан эндотелийга боғлиқ вазодилатация (ЭБВД)ни баҳолаш орқали эндотелий функциясини ўрганишга киришилди

Эндотелий дисфункция (ЭД) даражалари бўйича кўриқдан ўтказилган беморларни саралаш жараёнида аниқланишича, ҳар иккала гуруҳ аёлларида ҳам бошланғич меъёр томирлар реактивлиги кузатилмади.

I даражали ЭД СГли беморлар гуруҳида ҳам (24,0%), МГли беморлар гуруҳида ҳам тахминан бир хил частотада учради (24,2% ИН 0,99; 95% ИИ 0,28–3,47; $p=0,76$). II даражали эндотелий дисфункцияси МГли аёллар билан таққосланганда СГли беморлар гуруҳида ишончли кўп қайд этилди (68,0% қарши 37,9%; ИН 3,48; 95% ИИ 1,13–10,7; $p=0,03$), бу пайтда III даражали ЭД МГли беморлар гуруҳида ишончли кўп кузатилди (СГда 37,9% қарши 8,0%; ИН 0,14; 95% ИИ 0,03–0,72; $p=0,02$).

Бошланғич ҳолатда ва реактив гиперемия билан намунадан кейин елка артерияси (ЕА) диаметри гарчи назорат гуруҳи билан таққосланганда катталашган бўлса ҳам, бироқ фақат МГли аёлларда статистик аҳамиятли бўлди. Компрессия бевосита баргараф этилгандан кейин барча гуруҳларда бошланғич даража билан таққосланганда елка артериясининг аҳамиятсиз вазодилатацияси кузатилди. Бироқ ЕА диаметри реактив гиперемия билан намуна фонида ишончли ўзгармади

Эндотелиал вазодилатация СГ гуруҳидаги шахсларда ҳам ($5,8\pm 1,9\%$), МГли беморлар гуруҳидаги шахсларда ҳам ($5,6\pm 2,7\%$) назорат гуруҳи кўрсаткичлари ($10,5\pm 2,20\%$) билан таққосланганда ишончли паст бўлди. Ўринбосар терапия ҳар иккала гуруҳда ҳам эндотелийга боғлиқ вазодилатация (ЭБВД) ўртача даражасининг ишончли ошишига ёрдам берди, шунингдек, МГ гуруҳига нисбатан СГ гуруҳида у ишончли юқори бўлди.

Эндотелийга боғлиқ вазодилатация ҳамда ХС ($r=-0,31$, $p=0,02$), ЛПКЗ ($r=-0,27$, $p=0,04$), ТГ ($r=-0,24$, $p=0,04$) концентрацияларида заиф негатив корреляция аниқланди.

УУА диаметри ва ёш ўртасида заиф ижобий корреляцион алоқа қайд этилди ($r=0,26$, $p=0,04$). қИМК ва ёш ($r=0,32$; $p=0,02$), УХС даражаси ($r=0,29$, $p=0,03$) ва ТГ ($r=0,33$, $p=0,02$) ўртасида корреляцион чамбарчас алоқа

мавжудлиги аниқланди.

Шундай қилиб, гипотиреозли аёллар гуруҳида ЭБВД даражасининг пасайиши аниқланди, ушбу ҳолат МГли беморларда анча яққол кўзга ташланди, бу СГ ва МГли беморлар учун ЮҚТКнинг юқори хавфидан далолат бериши мумкин. Томирли эндотелий функциясининг яхшиланиши терапия фониди ЕА диаметри ортиб боришининг ишончли ўсган кўрсаткичини акс эттиради.

ТТГ даражаси ва липидли спектр кўрсаткичлари ўртасида ўзаро алоқа мавжудлиги аниқланди. Левотироксинли ўринбосар терапия бир йил давомида ТТГнинг мақсадли кўрсаткичлари, липид алмашинувида ижобий силжишларга эришишга ёрдам беради.

ХУЛОСАЛАР

«Андижон вилоятидаги аёлларда субклиник гипотиреоз, даволашнинг кардиоваскуляр хавф-омилларига таъсири» мавзусида олиб борилган тадқиқот асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. 2012–2018 йилларда Андижон вилоятида 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган 1302 нафар аёллар текширилди. Аёллар орасида тиреоид патологиянинг 82,5% дан 84,4% га ортганлиги кузатилди. Диффуз эндемик бўқоқнинг камайиши (56,2% дан 32,0% гача) фониди субклиник (13,7% дан 17,1% гача) ҳамда манифестли (7,3% дан 11,7% гача) гипотиреоз учраш сонининг ортиб бориш ҳолати қайд этилди. 40 ёшдан катта аёллар гуруҳида 40 ёшгача бўлган аёллар гуруҳига нисбатан СГ (26,0% қарши 10,5%) ва МГ (12,3% қарши 7,2%) ишончли кўп қайд этилди.

2. ТТГ даражаси ≥ 10 мЕд/л бўлган шахсларда ТТГ даражаси ва ёш, АГ давомийлиги, САБ ва ДАБ орасида ўртача ижобий корреляция, ёш ва T_4 эркин даражаси орасида заиф салбий корреляцион алоқа мавжудлиги аниқланди. ТПОга нисбатан антителонинг ошиши ТТГнинг жуда юқори даражалари билан ассоциирланади.

3. СГ ва МГли аёлларда қуйидаги кўрсаткичда дислипидемия аниқланди: УХС $\geq 4,5$ ммоль/л (мос ҳолда 44,0% ва 72,4%),

ТГ $\geq 1,7$ ммоль/л (мос ҳолда 32,0% ва 20,7%),

ЛПНД $\leq 1,03$ ммоль/л (мос ҳолда 28,0% ва 24,1%),

ЛПҚЗ $\geq 2,5$ ммоль/л (мос ҳолда 48,0% ва 79,3%)

Эндотелийга боғлиқ вазодилатациянинг пасайиши МГли аёлларда СГ мавжуд аёлларга нисбатан яққолроқ намоён бўлди, бу ушбу тоифадаги беморлар учун ЮҚТКривожланишининг юқори хавфидан далолат бериши мумкин. Эндотелийга боғлиқ вазодилатация ва ХС, ЛПҚЗ ва ТГ концентрацияси, шунингдек, қИМК ва ёш, УХС даражаси ва ТрГ ўртасида ўзаро алоқа мавжудлиги қайд этилди.

4. Левотироксинли ўринбосар терапия бир йил давомида ТТГнинг мақсадли кўрсаткичлари, липид алмашинувида ижобий силжишларга эришишга ёрдам беради: дислипидемияли аёлларда липид спектрининг

мақсадли кўрсаткичлари 36,0% (СГ) ва 24,1% (МГ) бўлишига эришилди. Томирли эндотелий фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар терапия фонида елка артерияси диаметрининг ишончли даражада ўсганлигини акс эттиради.

5. ТТГ даражаси ≥ 10 мЕд/л бўлган аёлларда ҳаёт сифатининг жисмоний ҳамда психик компонентлари пасайиши кузатилади. ТТГ кўрсаткичи жисмоний фаолият, ролли фаолият ва ижтимоий фаолият, саломатликнинг ҳаётий фаоллик ҳамда жисмоний компонентлари билан ўзаро боғлиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

АБДУРАЗАКОВА ДИЛБАР СОДИКОВНА

**СУБКЛИНИЧЕСКИЙ ГИПОТИРЕОЗ У ЖЕНЩИН
АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ, ВЛИЯНИЕ ЛЕЧЕНИЯ НА
КАРДИОВАСКУЛЯРНЫЕ РИСК ФАКТОРЫ**

14.00.03 – Эндокринология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ -2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.1.PhD/Tib541.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Исмаилов Сайдиганиходжа Ибрагимович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Шагазатова Барно Хабибуллаевна доктор медицинских наук, профессор Алиханова Нодира Миршавкатовна доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Центр развития профессиональной квалификации медицинских работников при МЗРУз

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в ____ часов на заседании Научного совета 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Зал заседания 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № ____). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 год.

(Протокол рассылки № ____ от «__» _____ 2021 года)

А.Г. Гадаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Д.К. Нажмутдинова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время гипотиреоз является одной из самых распространенных форм эндокринной патологии. За последние годы отмечается тенденция к увеличению тиреоидной недостаточности, особенно субклинического гипотиреоза (СГ). Распространенность СГ в общей популяции варьирует от 10 до 20% в зависимости от пола и возраста, причем женщины страдают чаще чем мужчины. Приблизительно у 5–15% больных СГ в течение года переходит в манифестный гипотиреоз (МГ). По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), среди эндокринных нарушений заболевания щитовидной железы по распространенности занимают второе место после сахарного диабета¹. Профилактика, своевременная, правильная диагностика СГ и устранение осложнений являются одной из актуальных проблем современной эндокринологии.

Мировые научно-исследовательские работы доказывают негативное влияние СГ на целый ряд органов и систем организма, на качество жизни женщин, на процессы ускорения старения и подтверждают медико-социальный приоритет выбранной проблемы.

Высокая распространенность тиреоидной недостаточности среди женщин, негативное влияние прежде всего на сердечно-сосудистую систему, которая является основной причиной инвалидности и смертности в мире определяют актуальность выбранного направления, решение которых имеет особое место при оптимизации оказания качественной медицинской помощи и обслуживания, способствующей укреплению здоровья и улучшению качества жизни женщин.

Развитие медицинской отрасли нашей страны ставит ряд задач, направленных на адаптацию медицинской системы к требованиям мировых стандартов, снижение и предотвращение распространения хронических заболеваний на различных уровнях среди населения «...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи в нашей стране, а также внедрение высокотехнологичных методов ранней диагностики и лечения заболеваний, создание патронажной службы, поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний...»². Общеизвестно, что в масштабах любого государства наиболее эффективна и экономически выгодна первичная профилактика заболеваний, которая включает поиск факторов риска, способствующих раннему выявлению лиц из групп высокого риска, адекватный мониторинг и своевременное лечение.

Данное диссертационное исследование в известной степени служит выполнению задач, определенных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему

¹ World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm>; 2014.

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан»от 7 декабря 2018 года

развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-97 от 3 мая 2007 года «О профилактике йоддефицитных заболеваний», Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП №–4063 от 2018 года 18 декабря «О профилактике неинфекционных заболеваний 2019–2022 годы», также других нормативно-правовых актах, имеющих отношение к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа соответствует приоритетным научным исследованиям, осуществляемым в республике по лечению эндокринных заболеваний, а также приоритетному направлению развития науки и технологий Республики Узбекистан «Медицина и фармакология».

